

«ТАСДИҚЛАНГАН»

**“Оқтош дон” АЖ акциядорларининг
29 июн 2016 йилдаги йиллик
умумий йиғилиши қарори
(№1-сонли қарнома)**



**“ОҚТОШ ДОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Оқтош ш. – 2016 йил.

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар.....	3
2. Жамият Ижроия органини сайлаш (тайинлаш) ва ваколатини тугатиш	3
3. Жамият Ижроия органининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари.....	4
4. Жамият Ижроия органининг жавобгарлиги.....	6



1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Оқтош дон» акциядорлик жамиятининг (матн бўйича «жамият») ижроия органи мақомини белгилайди ва унинг ишини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи – бошқарув томонидан амалга оширилади, унинг ваколатлари жамият устави ва мазкур Низомда белгиланган.

1.3. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида - Қонун), бошқа қонун ҳужжатлари, жамият устави, шунингдек корпоратив бошқарув Кодекси талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТИНИ ТУГАТИШ

2.1. Бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан бир йил муддатга сайланади (тайинланади).

2.2. Жамият уставига асосан жамият Бошқарув раиси хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида сайланадилар (тайинланадилар).

2.3. Жамият Бошқарув раиси лавозимига номзод шахс у жиноий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақида Жамиятни хабардор қилиши лозим.

2.4. Жамият Бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилиқ (оддий кўпчилиқ) овози билан сайланадилар (тайинланадилар).

2.5. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакиллари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

2.6. Жамият Бошқарув раислигига номзод ўзининг номзоди кўриб чиқиляётганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиши мумкин.

2.7. Жамият Бошқарув раисига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бошқарув раисининг бир ойлик иш ҳаққи миқдори – 1 700,0 минг.сўмни ташкил этади.

2.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамият Бошқарув раиси билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга), агар жамият уставига кўра кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса, ҳақли.

2.9. Акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамият Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.10. Бошқарув раиси билан тузилган шартномани тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилиқ (оддий кўпчилиқ) овози билан қабул қилинади.

2.11. Жамият уставида ва мазкур низомда назарда тутилган ҳолларда Бошқарув раиси билан тузилган шартномани тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан мажлисда ҳозир бўлганларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органининг, ишончли бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

3. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ (ХУҚУҚЛАРИ) ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамият Ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг қундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият Бошқарув раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, Жамият уставида, мазкур низомда ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан тузиладиган шартномада белгиланади.

3.3. Бошқарув раиси қуйидагиларга ҳақли:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар ва ташкилотларда Жамият манфаатларини ифодалаш;

- Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

- битимлар тузиш, Жамият мижозлари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларни (контрактлар) имзолаш;

- Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

- Жамият ходимларининг штат жадвалларини тасдиқлаш ва аниқлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва норматив ҳужжатларига мувофиқ, Жамият ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш (мукофотларнинг барча турлари, устама, қўшимча ва бошқалар) миқдорини ўрнатиш;

- Жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Жамият номидан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган фармоларни имзолаш ва чиқариш ҳамда кўрсатмалар бериш;

- Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички норматив ҳужжатлар бундан мустасно;

- Қонунчилик, жамият устави ва меҳнат шартномасига асосан бошқа ҳуқуқлар.

3.4. Бошқарув раиси мажбуриятлари қуйидагилар:

- давлат муассасалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар ва ташкилотларда Жамият манфаатларини ифодалаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

- жамиятнинг шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган микдорларда фойда олишни таъминлаш;

- Жамият ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;

- жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончилигини ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича кузатув кенгашига ҳар чоракда ҳисобот бериш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агарда бундай маълумотларни учинчи шахсларга бериш ваколат доирасига кирмаса. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият кузатув кенгаши раиси томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;

- меҳнат интизомини қўллаб-қувватлаш;

- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

- Жамият ходимларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириб бориш;

- жамоавий музокараларда иштирок этиш, жамоа шартномаси ва битимини тузишда иш берувчи сифатида нутқ сўзлаш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари ва ишларнинг ахволи тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этиш.



- дивидендлар хисобланиши ва тўланиши, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумотларни олиш бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- Жамият кузатув кенгашини Жамият билан битим тузишда унинг аффилланганлиги мавжуд бўлганда хабар қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига, Жамият устави ва бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- ижроия орган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.5. Жамият Бошқарув раисининг бошқа ташкилотлар бошқарув органларидаги лавозимни қўшиб олиб бориши фақат кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

4. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Бошқарув раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

4.2. Жамият Бошқарув раисининг иш фаолияти давомида Жамият фаолиятига ўхшаш хизматлар ва маҳсулотларни сотиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни ташкил этиш ва таъсис этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Жамият Бошқарув раиси лавозимида тайинланиш вақтида Жамият фаолиятига ўхшаш корхоналардаги ўзининг иштирокини тўхтатиши ва бу ҳақда кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт.

4.3. Жамият Бошқарув раиси ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида Жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият олдида жавобгардир.

4.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг Бошқарув раиси ва (ёки) аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

